

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 27-avgust, payshanba 40-41 (9077-9078)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ҲАР ОНИ ЎТМИШНИНГ ЮЗ ЙИЛИГА ТЕНГ...

Табиатда одатдаги фасллар алмашинуви. Юртимизга яна сокин куз кириб келмоқда. Табиатдаги бу ҳолатни ҳавонинг бироз салқинлашгани, дала ва боғлардаги пишиқчилик, бозорлардаги тўкинчилик, хуллас, атрофимиздаги жуда-жуда кўп ўзгаришлар сездириб, эслатиб турибди.

Ҳар йилгидек, шу олтин фасл кириб келиши билан Ватанимизнинг энг азиз, энг улуғ байрами Мустақиллик кунини кенг нишонлаймиз. Бу йил мустақилликнинг 29 йиллиги "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!" шиори билан байрам қилинаётир.

29 йилдан буён айнан шундай. Мустақиллик байрамини ҳар сафар янги шиор остида ўтказамиз.

Бу байрамни ҳам қутишга, уни ҳар йили янги шиорлар билан нишонлашга одатдаги фасл алмашинишдек кўникиб қолганмиз. Бу жараён фақат саналар кетма-кетлигидек табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларига мувофиқ давом этаётир, давом этаверади.

Аслида биз кўриб, сезиб, ҳис қилаётган ўзгаришлар оддий фасллар, саналар алмашувининг ўзидангина иборат жараён эмас. Бу доимийлик асосида заминдаги ҳаёт шаклини ҳам, моҳиятини ҳам, тирикликнинг тақдирини ҳам бутунлай ўзгарираётган жараён кечаётир. Қуртақдан гул, гулдан мева-ю уруғ пайдо бўлмоқда. Минглаб

уруғдан яна минглаб зироатлар унаётир...

Айнан табиатга уйғун жараёнлар жамиятда, сиз-у бизнинг ҳаётимизда ҳам кечаётир. Мустақиллик йилларини белгилловчи саналар оддийгина рақамларнинг ўзи эмас. Бироз чуқурроқ мулоҳаза қилсак, "Бир йил ўтди" деган биргина калиманинг ўзида оламжаҳон ўзгаришлар кўз олдимиздан ўтади.

Шу нуқтаи назардан ҳар йили янгиланадиган, ўтган йигирма тўққиз йил давомида шунча марта янгиланган шиорлар ҳам оддий қаҳриқларнинг алмашувигина эмас. "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!" шиорида ҳам жамиятимиздаги ўзгаришларга хос, одамлар руҳига монанд маъно мужассам.

Халқимизнинг аллома шоири Ғафур Ғулом ёзганидек:

**Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳайт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.**

"Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг" бу бадиий ифоданинг амалдаги манзарасини мен ҳар куни ишга боришда ўзимнинг она шаҳрим Жиззахдаги ўзгаришларда кўраман. Темир йўл вокзали билан машҳур "Кўк бозор" оралиғидаги Улуғбек маҳалласида беш қаватли уйлардан иборат янги турар жой массиви шу йилнинг ўзида пайдо бўлди. Айни пайтда 750 та хонадондан иборат 14 та кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилиш арафасида.

Турар жойлар ўзгариши билан ҳудуднинг инфратизими, кўчалар, маданий-маиший хизмат тармоқлари, ижтимоий иншоотлари ҳам, жумладан, мактаб ҳам янгиланаётир. Ўтган аср бошида – 1910 йилда, кўшимча бинолари 1977-1978 йилларида қурилган ҳудуддаги тарихий темирйўлчилар мактаби янги биноси қад ростламоқда.

Бундай ўзгаришлар фақат шу ерда эмас шаҳарнинг барча қисмида юз берди. Уларнинг ҳаммасини, ҳатто, кейинги уч йилнинг ўзида амалга оширилган ўзгаришларнинг барчасини санаб чиқиш учун анча вақт керак. Улар орасида фақат кейинги йиллар эмас, бутун ҳудуд тарихида биринчи марта амалга оширилган ишлар ҳам бор.

Масалан, Жиззах шаҳри тарихида биринчи марта 16 қаватли уйлар қурилаётир. Айни пайтда шаҳарнинг Олмазор маҳалласи ҳудудида эксперимент тариқасида барча қулайликларга эга бўлган шундай уйлар қурилиши бошланди.

Шу пайтгача шаҳардаги энг баланд бино ўн қаватли эди. Энди вилоят маркази фақат энига эмас, бўйига кенгаймоқда. Олмазордаги ўн олти қаватли турар жой бинолари бунёд этилиши бу катта ишнинг бошланиши ҳолос.

(Давоми 3-саҳифада)

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИННИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари ҳамда коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда жамиятнинг турли соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда "пакет" принципи татбиқ этилди.

Бу борада парламент юқори палатаси ҳам янги йўналишда иш олиб борди. Жумладан, Сенат кўмиталари томонидан 20 га яқин амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилиши ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилди. Натижада бир қатор қайта кўриб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилиши лозим бўлган нормалар мавжудлиги аниқланди.

Мажлисида айрим қонунларда аниқ механизмларнинг йўқлиги, кўплаб ҳаволали нормаларнинг мавжудлиги ва соҳанинг асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши амалиётда муаммоларни келтириб чиқараётганига урғу берилди. Мазкур масала Вазирлар Маҳкамаси,

тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлса-да, мазкур соҳани бевосита тартибга солишга қаратилган 20 га яқин қонуности ҳужжатлари амалда бўлиб, уларда бир-бирига зид нормалар мавжуд.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун меъёрларини амалиётга татбиқ этишда ҳам айрим муаммолар йўқ эмас. "Ўзархив" ва "Ўзстандарт" агентликлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган айрим давлат хизматлари бўйича маъмурий регламентлар ишлаб чиқилмаган, бу борадаги ички ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Қолаверса, "Медиация тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш унинг қондаларини татбиқ этишда ҳам баъзи камчиликларни кўрсатди.

Бундан ташқари, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор амалдаги қонунларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шу жиҳатдан қонун ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларни тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул



қилиш жараёнлари сифатини яхшилаш, қонунлар ижроси мониторингини такомиллаштириш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган ташкилотларни босқичма-босқич қисқартириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисида коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича давлатимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган тезкор ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Коронавирус пандемияси даврида масофавий таълим, меҳнат, шунингдек, бошқа соҳаларда масофавий хизмат кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди. Тадбиркорлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг равишда парламент томонидан

ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Пандемия нафақат тиббиёт, таълим соҳаларидаги қонунчилик, балки иқтисодиёт йўналишидаги, умуман олганда, бошқа қатор соҳалар қонунчилигини замон талабларига мослаштириш зарурлигини кўрсатди. Ўз навбатида, бир қатор қонунлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Сенат Кенгаши томонидан коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ва иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича чора-тадбирлар режаси ва ишчи гуруҳ тасдиқланди.

Мажлисида ишчи гуруҳ фаолияти очик ва шаффоф бўлиши лозимлиги, унинг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши, қолаверса, Ёшлар парламенти имкониятларидан самарали фойдаланиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ЎЗА

ФАРҒОНАДА ҚАРИЙБ 84 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ИККИТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШМОҚДА

Фарғона вилоятида электр энергия тақчиллигини бартараф этиш ҳамда аҳолини иссиқлик қуввати билан таъминлаш борасида йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Фарғона ИЭМ ва Фарғона РК-3 қозонхонасида юқори самарали когенерацион газ турбинали технологияларини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, умумий қиймати 83,6 миллион доллар инвестиция йўналтириляпти.

"Фарғона иссиқлик электр маркази" акциядорлик жамияти истиқболли корхоналардан биридир. Корхона Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғонаазот", "Фарғона ёғ-мой" акциядорлик жамиятлари, шунингдек, куз-қиш мавсумида Қирғули мавзеси

турар жой ва коммунал хўжаликлари ни иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан таъминлаб беради.

Вилоят марказида электр энергия ва иссиқлик энергиясининг таъминотида муаммолар бор эди. Айни кунларда бу муаммо ечимини топмоқда.

Япониянинг "Kawasaki heavy industries" ва "Marubeni Utility Services" компаниялари билан ҳамкорликда умумий қуввати 24 МВтга тенг иккита инвестицион лойиҳа ишга туширилмоқда. Замонавий технологиялар асосида юқори самарали 7 МВт қувватга эга газ турбина қурилмаси 2019 йилнинг декабрь ойида

фойдаланишга топширилди. Натижада, Фарғона шаҳрининг А.Қодирий мавзеси аҳолиси (203 та кўп қаватли уй) ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

Пудратчи ташкилотлар ва жамиятнинг қурилиш ишларига жалб этилган ишчи-ҳодимларнинг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда 17 МВт газ турбина қурилмасида монтаж ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда. Мазкур объект шу йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Лойиҳага асосан Япония давлати-

дан қурилманинг барча асосий ускуналари (газ турбина, юқори босимли қозон агрегати ва ёрдамчи ускуналар) олиб келиб ўрнатилди. Мазкур қурилма ишга туширилиши натижада 125 та янги иш ўрни яратилади. Қирғули мавзеси аҳолиси, ижтимоий соҳа объекти ва йирик саноат корхоналари қўшимча иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Фарғона шаҳрида йилга қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш – 197,04 млн. кВт/соат, иссиқлик энергияси етказиб бериш – 214,08 Гкал/соатни ташкил этади. Табиий газ истеъмоли – 3,2 млн. м³ иқтисод қилинишига эришилади.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган бу каби йирик лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад – аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бугун ва эртасидан рози бўлиб яшашларига замин яратишдир.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

– Тарихий ўзгаришлар бизнинг кўз ўнгимизда рўй бераётир, – дейди шаҳарнинг Навоий маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдулла ота Қаршибоев. – Мен саксон олти йиллик умрим давомида юртимизда амалга оширилган ўзгаришларга фақат гувоҳ эмас, иштирокчи ҳам бўлдим. Ҳаётда янги ўзгаришлар ҳар доим бўлган. Аммо кейинги уч-тўрт йилдагидек тараққиётнинг тезлигини, даврнинг шитобини кўрган эмасман. Буни Жиззах мисолида, соддароқ қилиб айтсам, бугун мен бошқа шаҳарда яшаётгандекман. Кейинги икки-уч йилда у бошқа шаҳарга айланди. Бу албатта, давлатимиз сиёсатининг янгилангани, Президентимиз томонидан қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида.

Бу ўзгаришлар фақат Жиззах шаҳридаги қурилиш билангина боғлиқ эмас, албатта. Президентимиз 2019 йилнинг 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш, шаҳар ва туманларда кенг қўлламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича белгилаб берган вазифалар асосида барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз берди.

Республика ҳукуматининг “Илғор ҳудуд” синови лойиҳаси асосида аҳоли даромадларини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, қулай инвестиция муҳити яратиш ва янги sanoat тармоқларини ривожлантириш бўйича кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг барча туманлари марказлари қайта қурилаётир. Эндиликда катта шаҳарлардаги каби замонавий иншоотларни фақат “Обод қишлоқ”

ҲАР ОНИ ЎТМИШНИНГ ЮЗ ЙИЛИГА ТЕНГ...



дастури доирасида қайтадан қурилган Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида эмас, истисносиз, барча туман марказлари қиёфасида кўриш мумкин.

Бу янгиланиш фақат қурилиш, ободонлаштириш соҳасида эмас. Асосий катта ўзгаришлар иқтисодиётда, sanoatни ривожлантиришда юз бераётир.

Ўтган йили “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси Шароф Рашидов, Зомин, Пахтакор ва Арнасой туманларининг sanoat учун қулай, зарур инфраструктурага эга бўлган ерлари ҳисобидан 182 гектарга кенгайтирилиши тадбиркорликни ривожлантиришда янги имкониятлар яратди.

Айни пайтда вилоятда 10 та кичик sanoat зоналари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида 170,4 миллиард сўмликдан ортиқ

қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 35 та кичик корхона фаолият юритаётир.

Масалан, ташкил топгандан буён бирорта sanoat корхонасига эга бўлмаган Зафаробод тумани қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи ҳудудга айланмоқда. Бунда икки йил аввал Зафарободдан қурилиш ашёлари экспорт қилинишига биров ишонмасди. Бугун бу ҳақиқат.

Яқинда туманда йирик цемент заводи “Nuaxin Cement Jizzakh” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилди. Корхона йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Умумий лойиҳа қиймати 150 миллион доллар бўлган корхона тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига бунёд этилган. Пандемия шароитида қийинчиликларга қара-

май ишга туширилган корхонада 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар вилоятнинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ишларда янада яққолроқ кўриниб турибди. Ўтган йилнинг ўзида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 4 та туманда 4 та агрокластер ва 7 та кооперация ташкил этилди. Буларга 695 та фермер, деҳқон ҳўжалиги, 8 минг 120 гектар очиқ майдонлар, 4 минг 516 гектар боғ, 1 минг 30 гектар тоқзор бириктириб берилди.

Вилоятда паст рентабелли, иқтисодий самара бермайдиган пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, экспортбоп экин турларини жойлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг ўзида паст рентабелли 6 минг 300 гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, ушбу майдонларнинг 150 гектарига сабзавот, 100 гектарига картошка, 467 гектарига полиз, бошқа экспортбоп ва озукабоб экинлар жойлаштирилди. 667 гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ҳамда янги тоқзорлар барпо этилди.

– Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар деҳқоннинг ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, – дейди туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Ўзбекистон қаҳрамони Анорбой Эшматов. – Фақат режа асосида ғалла ва пахта етиштириш эмас, даромад келтирадиган тармоқ билан шуғулланиш имконияти берилиши фермерларнинг ерга муносабатини ўзгартирмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам, одамларнинг дунёқараши ҳам янгиланаётир. Эртанги кунга ишонч мустаҳкамланмоқда.

Ҳа, энг катта ўзгариш – одамларнинг қалбида бугун амалга оширилаётган ишларга, эртанги кунга ишончининг ортаётгани. Шу нуқтаи назардан Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” шиори билан байрам қилиниши фақат моддий ўзгаришларнинг эмас, кўнгилларда юз бераётган руҳий янгиланишнинг ҳам ифодасидир.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.



Андижон вилояти

Яқиндагина ҳам Сиз билан бизнинг тасаввуримизда кластер тушунчаси мавжуд бўлмаган эди. Қачонки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қишлоқда ислоҳотларни янада тез суръатлар билан тезлаштиришга кенг йўл очиб берди. “KHANTEX GROUP” МСНҲ пахтачилик кластери ҳам ана шу қарорлар асосида юзага келди.

Ҳеч муболағасиз айтиш жоизки, бугун мазкур кластернинг олиб бораётган ишлари барчани бирдек ўзига оҳанграбодек тортаётир.

Пахта етиштириб ва уни толага айлантиришдан бошқани билмаган деҳқон энди тамомила ўзгача завқ-шавқ билан янгиланишлар жараёнида фаол иштирокчига айланмоқда.

Қўрғонтепа тумани тоғолди ҳудуд бўлиб, фермерчилик борасида талай тадбирлар олиб борилаётган бўлсада, қийинчиликлар кўпайдики, озаймади. Техникадан фойдаланиш борасидаги қолоқлик пахта етиштиришга, алалоқибат сифат кўрсаткичига қайсидир даражада салбий таъсир кўрсатаётган эди. Бундай шароитда даромад ва буромад борасида фарқланиш давом этаверди. Демакки, ишсизлик даражаси кўтарилишида давом этаверди. Давлат буюртмасида бўлган пахта етиштириш абгор ҳолга тушаётган экан, бошқа тармоқлар ҳақида гапириш ортиқча. Чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик каби сардаромад тармоқларда ҳам депсиниш ортидан ишчи кучларининг атрофга тарқалиб кетилиши авжига чиқди.

Фаолияти бошланганига ҳали икки йил бўлмаган пахтачилик кластери режали тарзда ишлаб чиқариш бўғинларини босқичма-босқич амалга оширишга киришди. Биринчи галда, қишлоқ хўжалиги техникаси паркени юз фоиз янгилаш сари қадам ташланди. Экиш схемасини янгилашдан бошланган изланиш пахта ҳосилини энг замонавий ва қувватли терим машиналари



Кластер бу аграр соҳа истиқболи

Қўрғонтепа туманидаги “KHANTEX GROUP” МСНҲ пахтачилик кластерида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар бунинг яққол исботидир.



зиммасига юклашдек вазифа ўз ижросини топа бошлади. Пахта ҳосилдорлигининг кескин кўтарилаётганлиги ва сифатининг ортаётганлиги эвазига ҳар гектар ердан даромад олиш ижобий томонга ўзгардики, бу ўз навбатида қулочни янада кенг олишга йўл очди.

Кластер таркибида “KhanTex Cotton” пахта тозалаш корхонасининг барпо этилиши тежамкорлик сари ташланган қутлуғ қадам бўлди. Лойиҳа ижроси учун беш минг АҚШ доллари ўзлаштирилиб, хорижий технологияга асосланган корхона кўплаб имкониятларни юзага чиқаришга қодир бўлди. Турдош корхоналарга нисбатан электр энергияси сарфининг эллик фоизга қисқарганлиги, ишлаб чиқариш унумдорлиги ўттиз фоизга ортанлиги ортидан тежамкорлик барқарор тус олди.

Сир эмаски, пахта тозалаш корхоналари давлат ихтиёрида бўл-

ганда тола чиқиш миқдори 33-34 фоиздан ошмаганлиги ва ҳозирда ушбу кўрсаткич Қўрғонтепада 38 фоизга етганлиги замирида салмоқли даромад олиш юзага келганлиги ойдинлашмоқда.

Бугун “KHANTEX GROUP” МСНҲ пахтачилик кластерида йилига 10,4 минг тонна пахта толаси тўла ишлаб чиқаришга узатилмоқда. Швецария, Бельгия, Германия, Тур-

кия ва бошқа хорижий давлатлардан олинган юқори технологияга эга йигирув, тўқув, бўяш ва тикув дастохлари кеча уйда ўтириб қолган бир ярим мингдан зиёд инсонларнинг мунтазам ишчи ўрнига эга бўлишига кафолат бўлди.

Лойиҳани амалга оширишга 52 миллион евро миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди. Молиялаштиришда Германиянинг Ландесбанк Баден Вюртемберг банки билан ўрнатилган ҳамкорлик қулайликлар яратди. Йилига 40 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспортга чиқаришга имконият яратилганлиги эвазига кўшимча қиймат яратиш учун мустақам асос яратилди.

Шу кунларда ёғ-мой корхонаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Пахта чигити баробарида бошқа мойли экинлар ҳосилидан ҳам юқори сифатга эга бўлган ўсимлик ёғи олинади. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда галладан сўнг минг гектар майдонга такрорий экин сифатида Франция селекциясига мансуб кунгабоқар уруғи экилди.



Ҳосилдорлиги 40 центнердан кам бўлмайдиган, ёғ чиқиш миқдори 45 фоизга тенг бўлган кунгабоқар майдони кенгайтирилиб борилади. Олинадиган кунжара эса кластерда ташкил этилаётган чорвачилик йўналиши ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Айни дамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона қурилишига тайёргарлик бораётир. Бунинг учун 10 миллион евро ўзлаштирилади. Терини қайта ишлаш орқали чарм маҳ-

қўмита раиси Равшанбек Мамутов бошқарган давра суҳбати давомида кластер тизимининг ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар атрофича кўриб чиқилди. Биргина Қўрғонтепа туманида кластер тизими орқали амалга оширилаётган ислохотлар аввало минглаб ишчи ўринлари яратишга тўртки берди. Ҳосил миқдори ва сифати тубдан ортиши кузатишмоқда.

Давра қатнашчилари мезбон бўлган кластер таъсисчиси Зо-



сулотлари ишлаб чиқариш ва пойабзал тайёрлаш билан боғлиқ бўлган корхона Европа андозаларида маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Ташқи ва ички бозорда кун сайин талаб ортаётган биологик тоза қозон ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши бўйича лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилди ва бунинг учун 2 миллион евро сарфланиши кўзда тутилмоқда. Қайд этилган лойиҳалар ҳам 2021 йил охирига қадар ишга тушади ва 2 мингдан зиёд ишчи ўрни яратилиши ва минглаб оилаларда етиштирилаётган маҳсулотларни қабул қилиши боис бандлик даражасининг юқори бўлиши кутилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда тармоқлар бўйича кластер тизими яратишга алоҳида урғу берилмоқда. Бироқ, ўзаро муносабатларни тартибга солувчи қонун мавжуд эмаслиги айрим тадбиркорларнинг нотўғри қадам ташлашларига шароит яратмоқда. Оқибатда молиявий масалада қатор жумбоқлар ечимига муҳтож бўлаётир. Яқиндагина республика Бош прокурори раҳбарлигида ўтказилган видео селекторида кўп нарсаларнинг ҳам очиқланиши бежиз эмас. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор, албатта.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг депутатлар эътиборида турган “Кластерлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

киржон Исмоилов ҳамроҳлигида барча ишлаб чиқариш тизимлари фаолияти билан батафсил танишиш имкониятига эга бўлишди. Бу ерда амалга оширилиши белгиланган жорий ва босқичли режалар тақдироти бўйича мулоқот давомида ислохотларга бўлган зарурат янада ойдинлашди.

Барча тадбиркорлар айнан ана шу масалада оқсоқлик қилишмоқда. Андижонда ҳам айрим кластер эгаси бўлган тадбиркорлар фермерлар билан ишлашда аниқ йўлдан боришмаётир. 2020 йил хосили йиғим-терими бошланишига саноқли кунлар қолган бўлсада, ҳали 2019 йил бўйича ҳисоб-китоб якунига етмади.

Пиллачилик билан боғлиқ кластерлар фаолиятида шахсий манфаат устунлик қилмоқда. Улар ўзаро муносабатда ғирромлик йўлидан боришиб, жарима орқали мўмай даромад олиш устида ишлашмоқда. Бундай ноҳолис ҳаракатлар шолчилик, мева-сабзавотчилик кластерларида ҳам борки, тадбиркорларни танлашда очқлик ва шаффофлик йўқлиги янги тизим обрўсига соя солаётир.

Баҳс ва мунозаралар билан ўтган машварат ўзаро боғлиқлик учун зарур эканлиги аён бўлди. Демокримизки, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар кўп куч ва эътибор талаб этади. Шундай экан қонун ишлаб чиқарувчилар кўпроқ жойларда бўлиши ва очиқ суҳбатлар иштирокчисига айланиши давр талабидир.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОЛДИДАН ОФИТМА ОВУЛИДА ЯШОВЧИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Ғиждувон туманига қарашли “Оғитма”, Шофиркон туманининг “Чуруқ”, қолаверса, Пешқў тумани таркибига кирувчи “Жонгелди” аҳоли масканларида аксари қозоқ миллатига мансуб 500 дан ортиқ юртдошимиз истиқомат қилаётир. Ушбу манзиллар гарчи Қизилқум кенгликлари бағрида, шаҳардан узоқда жойлашган бўлсада, ўзига хос инфратузилмаси, албатта, турмуш тарзига эгаллиги билан ажралиб туради. Бухоро вилояти марказидан 170-220 километргача узоқликда жойлашган мазкур манзиллар – овулларда айни кунда одамлар ҳаёт тарзи, кайфияти, ўй-ташвишлари, қолаверса, орзу-интилишлари қандай?

Айниқса, “COVID-19” пандемияси даврида чўлқуварлар оилаларига ҳам етарли даражада иқтисодий зарар етгани, овулдаги қардошларимиз даромадларига сезиларли зиён етгани ҳам тайин. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ботир Шаҳриёров бошчилигидаги мутасаддилар оғитмалик чўлқувар юртдошларимиз меҳмони бўлдилар.

Кенг яйловда асосан чорвадорлик, шунингдек, “Оғитма” табиий сув ҳавзасида балиқчилик билан шуғулланиб келинаётган овулда бугунга келиб 52 та хонадон, 252 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улар учун Ғиждувон тумани 70-сон қишлоқ оилавий поликлинисининг “Оғитма” филиали, йигирмадан зиёд ўқувчисига эга ва дарслари қозоқ тилида олиб борилаётган 38-умумтаълим мактаби, ижтимоий дорихона фаолият кўрсатмоқда.

Ташриф тўғрисида овул аҳолиси учун арзонлаштирилган нархда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси, шунингдек, чўлқуварлар саломатлиги учун бепул тиббий кўрик ташкиллаштирилгани айни муддао бўлди.

Шу ерлик, темир йўлда ишловчи Нурали Қулжанов турмуш ўртоғи Ойнур Бердиева билан бамаслаҳат бир қарорга келиб, уйда болалар учун боғча очган ва ҳозирда 10 нафар жажжи ўғил-қизни парваришляпти. Албатта, ташриф баҳонасида бу муассасага ва ҳудуддаги 38-сонли умумтаълим мактабига ҳомиёлар кўмаги асосида электр иситиш печлари, қолаверса, куз-қиш мавсумига тайёрларлик кўришларини инobatта олган ҳолда суюлтирилган маийий газ баллонлари ва тошқўмир талаб даражасида етказилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари маҳаллий аҳолини қийнаётган муаммоларга, фуқаролар муурожаатларига эътиборини қаратди.


– Биз шахсий хўжалигимиз, фуқаролик паспортимизни олиш учун узоқ йўл босиб, Ғиждувон тумани марказига қатнашга мажбур эдик, – дейишди Усар Олтинбоев ва Насриддин Айтекинбеовлар. – Мана шу ташриф тўғрисида муаммомиз бир пайда ҳал қилинди. Паспортларимизни ҳеч қийинчиликларсиз оладиган бўлдик.

– Тадбиркорларга яратилаётган имконият ва имтиёزلарга ҳавас қилиб, мен ҳам онамамиз кўмағида овулимизда савдо дўкони очишга, аҳолининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини имкон қадар қондиришга қарор қилдим, – дейди Нурали Қулмаханов. – Муурожаатимдан сўнг тижорат банки имтиёзли кредит маблағи ажратишга ваъда берди.

Шу куни вилоят ҳокимининг ўринбосарига чўлқуварлардан 11 та муурожаат тушган бўлса, уларнинг аксариятини амалда ҳал қилиш чора-тадбири белгиланиб, тегишли мутасаддиларга топшириқ ва тавсиялар берилди. Улар ижроси юзасидан 3 ой муддат белгиланиб, назоратга олинди. Ҳудудда чиқиндиҳона барпо этиш, мобил алоқа антеннасини қуриш, мавжуд тиббиёт масканини таъмирлаш, асосий йўлни текислаш ва элақага келтириш, шунингдек, ҳудуддаги 38-сонли умумтаълим мактабига 12 километрдан қатнаётган ўғил-қизлар учун транспорт хизматини жорий этиш каби муурожаатлар ечимига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



Ўзбекистон халқини, хусусан,
мамлакатимиз наботот оламини янада
бойитиш, асраб-авайлаш иўлида астойдил
меҳнат қилаётган барча ўрмончиларни
Жонажон Ватанимиз

*Мустақиллигининг
29 йиллик*

шодиёнаси билан самимий муборақбод
этапи. Она табиатни асраб-авайлаб,
кедажак авлодларга етказишдек
шарафли ва масъулиятли
меҳнатимиздан мамнунмиз.

*Барданмизга сизга-саломатлик,
бахт-саодат тилаймиз.*

Автомагистраль ИАЙҚТБ

меҳнат жамоаси



барча ватандошларимизни юртимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

29 ЙИЛЛИГИ

билан самимий табриклайди.

**Турмушимиз ободлиги ва дастурхонларимиз тўкинлигини янада
ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларимиз
ишига ривож, хонадонларига қут-барака тилайди.**

*Обод ва гўзал юртимизга,
тинч-осуда ҳаётимизга байрамлар ярашади.
Илоҳим, мана шундай байрамларимиз
ҳамиша барлавам, юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!*



БАРЧАСИ ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ ТЎКИНЛИГИ УЧУН

Мамакатимизда экин ерлардан самарали фойдаланиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқда фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича ҳам кенг кўламда ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг "Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш йўлида Наманган вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, республикаимизда, шу жумладан, вилоятимизнинг қатор туманларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ердан қай даражада унумли фойдаланаётгани ўрганилди. Урганишлар давомида айрим жойларда бу борада ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлиги аниқланди. Шу боис ҳам тизимда самарадорликка эришиш, кенгашнинг ваколатини кенгайтириш, фаол иштирокини таъминлаш, "Томорқа хизмати" МЧЖларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма фаолияти йўлга қўйилди. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, инновацион, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, айланма маблағларга муҳтож бўлган "Томорқа хизмати" МЧЖларнинг устав фондини шакллантириш йўли билан кўмак бериш асосий вазифа этиб белгиланди. Аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун "Томорқа хизмати" МЧЖларга иссиқхона, совутгичли омборхона-

лар, чорвачилик мажмуалари куриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ва маҳсулотларни сотишни ташкил этиш учун вилоятлар ва туманлар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум

жойларда махсус савдо майдонлари ажратилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизли ставкадаги кредитлар Микрокредитбанк, Агробанк ҳамда Халқ банкига жойлаштирилди. "Томорқа хизмати" МЧЖларнинг 25 фоиздан кам бўлмаган устав фондининг шакллантирилишига кўмак берилди. Аҳолига томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 20-30 тонналик совутгичлар барпо этиш

учун кредит ажратилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 2023 йил 1 январга қадар "Томорқа хизмати" МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизгача, бироқ 3 млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафилик берилиши белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда ажратилган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қўллаб бериш тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган қисмини қўллашга субсидия ажратилди.

Юқоридаги қарорлар ижроси йўлида Янгиқўрғон туманидаги "Радивон цитрус меваси томорқа хизмати", Чуст туманидаги "Чуст томорқа хизмати", Косонсой туманидаги "Қушон агро томорқа хизмати", Уйчи туманидаги "Уйчи обод замин томорқа хизмати" МЧЖлари негизда томорқачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилди.


Шунингдек, Поп, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида артезиан қудуқлари қазिश учун кенгаш хузуридаги жамғарманинг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 1,635 млн.сўм маблағ ажратилди. 18 та артезиан ишга туширилиб, 620 та хонадон сув билан таъминланди. Натижада вилоятда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларидан фойдаланиш борасида самарадорликка эришилди.

Азизбек АБДУСАЛОМОВ,
Наманган вилояти фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси.



Халқимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойиларини МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этамиз. Тилагимиз, доимо осмонимиз мусаффо, юртимиз осойишта, деҳқончиликларимиз баракали, Яратган эгам барчамизнинг она Ватан равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда мададкор бўлсин!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



«НАВОЙДОНМАХСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

*жонажон юртимиз
иктисодиётини тараққий
эттириш йўлида фидокорона
меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни, донни
қайта ишлаш саноати
ходимларини, ватанимиз*

Мустақиллигининг 29 йиллиги

*билан самимий қутлайди.
Меҳр-оқибат,
оилаларимиздаги тинчлик-
осойишталик, бахт-саодат
ҳеч қачон тарк этмасин.
Юртимиз тинч,
Мустақиллигимиз абадий
бўлсин!*





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТАСАРРУФИДАГИ

ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАР ДАН ФОЙДАЛАНИШ

УНИТАР КОРХОНАСИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни
Мустақиллигимизнинг
29 йиллиги билан самимий
табриклайди. Жонажон
Ўзбекистонимизнинг янада обод
қўшага айланиши, жаҳон
майдонидаги нуфузи ва мавқеи
тобора мустаҳкамланиши,
халқимиз турмушининг тобора
юксалиши йўлидаги эзгу
ишларида ғайрату шижоат,
улкан зафарлар тилайди.



*Байрам юртимизга янада фаровонлик,
кут-барака олиб келсин.*



Reuters’da Ўзбекистон тижорат банклари рейтинги ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзсаноатқурилишбанк Бизнес таҳлил маркази томонидан дунёнинг энг йирик молиявий ахборот етказиб берувчиларидан бири бўлган Рейтер (Reuters) да Ўзбекистондаги тижорат банклари сифат кўрсаткичлари бўйича таққослама таҳлилий мақола жойлаштирилди.



Ушбу мақолада банкларнинг масофавий хизмат кўрсатиш, операция харажатлар, даромад келтириш каби кўрсаткичлари бўйича рейтингни келтирилган.

Таъкидлаш керакки, бундай рейтинглар давлат улуши мавжуд ва бошқа банкларнинг сифат кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни таққослашда қўл келади. Эътиборлиси, бу каби

рейтинглар Ўзсаноатқурилишбанк Бизнес таҳлил маркази томонидан Рейтер ва бошқа халқаро ахборот платформаларида доимий равишда чоп этиб бориш кўзда тутилган.



Навоий ВИЛОЯТИ

“БИЗ КОРОНАВИРУСНИ ЕНГАМИЗ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Навоий шаҳар Маданият бўлимида жорий йилнинг август ойи бошида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими томонидан ташкил этилган “Биз коронавирусни енгамиз” номли видеороликлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танловга шаҳар ва туманлардаги ташкилот, корхоналар, таълим муассасалари ҳамда эркин ижодкорлар томонидан коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва карантин қоидаларига риоя этишни тарғиб этувчи 150 дан ортиқ видеороликлар тақдим этилган эди.

Танлов якунида, Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига мувофиқ, ушбу танловнинг вилоят босқичида яқка тартибда тайёрланган видеороликлар йўналишида 1-ўрин Навоий шаҳар Маданият бўлими режиссёри Нодир Мирзаевага ҳамда 3-ўрин хореограф

Озода Қурбоновага, шунингдек, жамоавий тайёрланган видеороликлар йўналишида 2-ўрин Навоий шаҳар Маданият бўлими жамоасига насиб этди.

Карантин қоидаларига риоя этган ҳолда ташкил этилган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими бошқаруви раиси Фахриддин Солиев ғолибларни диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Қорақалпоғистон Республикаси

26 АВГУСТ КУНИ МҲЙНОҚ АЭРОПОРТИДА ИЛК САМОЛЁТ ПАРВОЗИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ахборот хизмати маълум қилди.

Мухтарам Президентимизнинг алоҳида эътиборлари асосида кундан-кун чирой очиб бораётган Мўйноқ аэропортига мана кўп йиллик узилишлардан сўнг илк AIRBUS A-320 самолёти келиб қўнди.

ҚЎШИҒИМИЗ СИЗГА АРМУҒОН

Наманганлик ижодкорлар Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби (марҳум) Камолиддин Раҳимовнинг ўғли, хушовоз хонанда Хусанбой Раҳимов, таниқли бастакор Шавкатжон Ботиров, шоир ва журналист, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Равшанбек Мирзаолимов ҳамкорликда гуллар шаҳри Наманганни мадҳ этувчи янги кўшиқ яратди ва Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида наманганликларга байрам совғаси сифатида армуғон этди.

Наманганим

Ҳар гўшаси чаман гул минг бир ифтор талашгай.
Ошиғ-у шайдо булбул хонишлари ярашгай.
Боғ аро кўйсанг қадам кўзлар рангдан қамашгай,
Дунё аҳли шу боис ҳавас билан қарашгай.
Донғи дунёга кетган гул шаҳрим Наманганим.

Ҳаёт кўшигин айтар баланд тоғлар бошида.
Яралгай куй-у байтлар ўйноқ сойин тошида.
Кушон, Ахсикентлари салкам уч минг ёшида,
Мадҳи кўкка таралган Машраб ишқ оташида.
Кўкда моҳитобоним, қуёшим-Наманганим.

Номингни наво этган Камолиддин тановвори,
Ҳофиз ўғлинг қўлида сен-чун январгай тори.
Армуғон бўлсин мудом шоир Равшан ашъори,
Сенга бахшида эрур, кўшигим – қалб изҳори.
Кўҳна замин зийнати – бебаҳо Наманганим.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг!

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди.
Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи ҳисобига яхши ниятда бино ёки уй қуришни бошлайди.

Аммо фуқароларнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ қараганлиги сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир неча дақиқалар ичида қулга айланади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига

амал қилишингизни сўраймиз. Доимо хушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали ўзингиз, оилангиз ва мол-мулкнингизни ҳимоя қиласиз.

Ғайзуллаҳўжа МАХМУДОВ,
Тошкент тумани ФВБ,
ФВДТ ва ФМ бўлимидаги
бошлиғи, лейтенант.

Абдусалом АХМАДАЛИЕВ

Найлайин

(Мухаммас)

Кўп замондир эл ичинда,
мосувоман найлайин.
Шул сабабдин жисму зирхим,
қахрабман найлайин.

Зотдан ўтган тарки дунё,
девоналиг сийрати.
Тугма дардим малҳами йўқ,
бедавоман найлайин.

На амал, на ганжи дунё,
этмади ром ўзига.
Оқибат саксон ёшимда
бир гадоман найлайин.

Дил юпанчим дўстларим кўп,
барчаси Маширабнамо.
Ботини дур телбаларга,
ошиноман найлайин.

Юз ўғирди орланиб кўп,
хешу ақраболарим.
Ичга ютдим дарду гамни,
дил яроман найлайин.

Таъналар тоши ёгилди,
зарра нарво қилмадим.
Шармусорлик жанда бўлди,
беибоман найлайин.

Гарчи хоку ҳас эрурман,
бесаводга бенуфуз.
Илми ҳикмат аҳлига хўб,
тўтиёман найлайин.



Фан қилиб мен камтаринлик,
камсуқумлик ўзима.
Ерда илким, арида руҳим,
кибриёман найлайин.

Тарк этиб дўсти мунофиқ,
номусулмондин бешиб.
Чин мусулмон бандаларга,
жонфидоман найлайин.

Хар дуойим мустажобдир,
истагим берди Эгам.
Сал иноят қилса Роббим,
авлиёман найлайин.

Банда билмас, билгай Аллоҳ,
ким сафеду, ким қаро.
Рост ҳидоят йўлда балки,
бир зиёман найлайин.



Эзу тиллак

Миллатинг миллатлар бўлгани сарбон
дуруст.
Халқаро нарвонда зиллаб қилмасанг ар-
мон дуруст.

Юздан ортиқ эл ичинда олимун донишлар-
ринг
Кўкда порлаб бамисоли бўлсалар чўлпон
дуруст.

Юртга йўлбош дарга ўғлон, жонфидо
фарзандлари
Забт этиб бахт кишварини урсалар жав-
лон дуруст.

Не мурудинг бўлса Бисмил айтгинун шига
кириш

Ланг очик тадбир эшиклар марҳамат
имкон дуруст.

Юртда тинчлик, эл хотиржам завқли
меҳнат авжсида.

Халқи меҳмондўст бу юртга шаиқатор
меҳмон дуруст.

Куррайи замиш тан олди азалий ўзбек
элин.

Ким ганим бўлса ҳасаддин куйгани душ-
ман дуруст.

Эл, элат кўп, турфа тил кўп, кўплари
дунё тили.
Пайрови ўзбек тилида суҳбати жонон
дуруст.

Гул бўлиб ўзбек аёли бу ҳаё бўстонида
Шарм ифордин ҳид таратса бўлгуси
шоён дуруст.

Мамлакатнинг барча халқи бир тану
бир жон бўлиб,
Эзулик давлат қарорин қўлласа чандон
дуруст.

Шундайин юртда яшаб қил юртинга
сен жонфидо
Умр ўтиб қийналмаса поёнида виждон
дуруст.

Ўзбегим сарвар элим шул Ўзбекистон
Ватаним.

Ўзбекистон юртда Ўзбек бўлгани султон
дуруст.

Ҳазрати инсон

Дедим сизни Ҳазрати Инсон,
Улуғ қилсин Ҳақ таборак.
Кор касбингиз Фермер деҳқон
Янги номингиз муборак.

“Фермер” асли тил фаранги
Ўзбекчада кўп жсарангдор.
Кирса-кирсин шу сўз янги
“ЎзЛуғат”да битта жвой бор.

Алмисоқда эгам қодир
Яратгач бор маҳлуқотин.
То қиёмат аввал охир
Ваъда қилди ризқ бермогин.

Ваъдасига Раззоқлигин,
Сизни сабаб қилиб кўйди.
Ризқ яратиш машаққатин
Зиммангизга илиб кўйди.

Шундан бери бари жонзот
Ейди ризқин сизни алқаб.
Оламда йўқ бирон бир зот
Гапирмаса сизни мақтаб.

Қишин-ёзин оғир меҳнат
Нолигани ор қиласиз.
Яратгандан олиб қудрат
Йўқ нарсадан бор қиласиз.

Иродангиз мисли метин
Эл-юрт етар қадрингизга.
Тобланасиз аста-секин
Минг тасанно сабрингизга.

Сиз борсизки, эл-юртим тўқ,
Ҳар гўшада фаровонлик.
Бундай диёр оламда йўқ
Тилагимиз тинч омонлик.

Катта кучсиз мисли дарё
Истиқболнинг таянч тоғи.
Шаънингизга юз минг сано
Мақтовларнинг йўқ адоғи.

Сизни ҳамма азиз кўрар
Эл наздида қахрамонсиз.
Тирик жон бор лазиз кўрар
Ардоқдасиз то омонсиз.

Сизни оёқ ости қилган
Одам ўзи хўр бўлади.
Кўз ёшига сабаб бўлган
Ал оқибат кўр бўлади.

Ҳазрат Фермер сизга атаб
Ажиб айғор битмоқчийдим.
Гумбаз осмон пештоқига
Нақшингизни чизмоқчийдим.

Афсус айғор тугаб қолди
Ниятимга етолмадим.
Кўп гапларни чарчоқ олди
Уйку босиб битолмадим.

Озроқ нафас ростлаб олай
Илҳом отин яна мингум.
Ижод торим созлаб олай
Бу айғорни қайта битгум.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



*меҳнатсевар халқимизни, олимлар,
муҳтарам устозларни, қишлоқ хўжалиги
соҳаси ходимларини, миришкор боғбону
деҳқонларни, барча ҳамкасбларини*

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
29 ЙИЛЛИК**

байрами билан қизгин қутлайди.

**Байрамона кайфият
ҳар доим ҳамроҳингиз бўлсин,
қадрли юрдошлар!**

Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежига ўқишга қабул қиламиз!

Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежига 2020-2021-ўқув йилида қуйидаги мутахассисликлар бўйича 11-синф, ўрта махсус касб-хунар коллежлари битирувчиларни ўқишга қабул қилади:

1. Сув хўжалиги ва мелиорацияси;
2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишлари механизацияси;
3. Гидротехник қурилиши;
4. Насос станциялари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш;
5. Мелиорация техникаси оператори;
6. Автоматлаштирилган сув хўжалиги объектларини монтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш техниги.

Таълим бериш 6 ойдан 2 йилгача муддатда кундузги, кечки, сиртқи таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов контракт асосида амалга оширилади.

Коллежни битирганлар ўз соҳаси бўйича кафолатланган иш билан таъминланади, шунингдек, дунёнинг бир қанча мамлакатлари, жумладан,

Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар корхоналари билан шартнома асосида иш билан таъминланадилар.


Коллежга ўқишга кириш учун www.kollej.edu.uz электрон платформаси орқали қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. **Электрон ариза;**
2. **Умумтаълим мактабининг 11-синфини тугатганлигини тасдиқловчи аттестат (электрон) нусхаси ёки ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом (электрон) нусхаси;**
3. **3x4 фотосурат.**

Республиканинг барча ҳудудларидан ўқувчилар ва чет эл фуқаролари қабул қилинади.

Қабул 2020 йил 25 августдан 25 сентябргача давом этади.

Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежига 2020-2021 ўқув йили учун давлат грантлари ва тўлов контракт асосида ўқишга таъинлф этади




- ❖ Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Қорамон МФЙ
- ❖ 2004 йилда ташкил этилган
- ❖ 525 ўрин ўқув биноси
- ❖ Умумий майдони 2,02 га

МАВЖУД КАСБЛАР

Насос станциялари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш	Сув хўжалиги ва мелиорация	Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишлари механизацияси	Сув тежовчи технологияларига хизмат кўрсатиш техниги	Гидротехник қурилиши	Қисқа муддатли курсларни ташкил этиш
Насос станциялари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш механик-техники	Сўғориладиган ерлари мелиорация тизимлари техниги Техник-мелиоратор	Сув хўжалиги автоматлаштирилган объектларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва монтаж қилиш техниги	Сув тежовчи технологиялар жорий қилган пахта хомашёси этиштирувчиларга хизмат кўрсатиш	Гидротехник иншоотларни қуриш техник-гидротехники.	Ташкил этиш режалаштирилган қисқа муддатли ўқув курслари номи <ol style="list-style-type: none"> 1. Тракторчи-машинист - тракторчи гувоҳномаси - бульдозерчи гувоҳномаси - эксковаторчи гувоҳномаси 2. "В" ва "ВС" тонфали хайдовчи 3. Электргазпайвандловчи 4. Чилангарлик 5. Тикувчилик

МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИ



Мурожаат учун телефонлар: (+998 97) 221-00-93, (+998 93) 922-02-17, (+998 93) 922-25-29. **Телеграм манзил:** @kollej_2020

Манзил: Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Қорамон маҳалласи.

ШОШИЛИНГ! ҚАБУЛ КВОТАСИ ЧЕКЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
“ЎЗСУВҚУРИЛИШ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН

“БЎКАМАХСУССУВПУДРАТ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни шу жумладан, сув хўжалиги тизимида самарали меҳнат килаётган соҳа ходимларини Ўзбекистон Республикаси

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИК

байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Ҳеч кимга сир эмаски, жорий йил кўп жихатдан анча оғир келди. Шунга карамай, юз нафардан зиёд ишчи меҳнат килаётган аҳил жамоамиз ўз олдиларига қўйган барча вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар. Тажрибали раҳбар Эргаш Раҳмоновнинг тадбиркорлиги пандемия шароитида ҳам яққол кўринди. Унинг карантин қоидаларига риоя этган ҳолда барча объектларда ишни оқилона ташкил эта олгани эришаётган муваффақиятларимизнинг омили бўлмоқда. Корхонамиз қошида сув ўзанларини бетонлаштиришда ишлатиладиган цемент қоришмаларини тайерловчи ускунанинг ишга туширилганлиги мана, икки йилдирки маблағларни сезиларли иқтисод қилиш имконини бермоқда. Ўтган даврда йилдан йилга ўтувчи йирик объектларда катта ҳажмда пудрат ишлари амалга оширилди. Жумладан, Бука туманидаги ялпи узунлиги 180 километрни ташкил этувчи Алхажар жингилсой зовури тўлиқ тозаланди. Президентимизнинг пандемия шароитида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини ошириш бўйича топшириқларига биноан, обихаёт муаммоси сабаб фойдаланилмаётган ерларга қишлоқ хўжалиги экинлари экиш мақсадида Бекобод ва Бўка туманларида 4 та сув насослари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшонда барпо этилаётган СМАРТ СИТИда ер ости сувларини пасайтирувчи 9 километрлик ёпиқ-ётиқ горизонтал дренаж қурилишида ҳам катта ҳажимдаги ишлар бажарилди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни яна бир бор улуғ айем билан муборакбод этамиз. Осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз доимо тўкин бўлсин! Байрам муборак азизлар!



“КУЧЛИК НЕФТЬ БАЗАСИ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни, шу жумладан, нефть, газ тизимида самарали фаолият юритаётган соҳа ходимларини Истиқлол айёми билан чин юракдан муборакбод этади. Ватанимизнинг шон-шухрати юксалаверсин, тинчлик, хотиржамлигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин! Ҳар биримизга омад ва бахт ёр бўлсин!



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХУЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(бош муҳаррир
уринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир
уринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-825, ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида Босқиди, қозғ бичими А-3. Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 2 427 нусxada чоп этилди. НАЦИР ИНДЕКСИ – 144. Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 12 156

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.40